O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ...
19 IYUL ...

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 20 июнь, №128 (3240) Жума

ҚИЗИРИҚ ВА САРИОСИЁ ТУМАНЛАРИ ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Авваламбор, сиз азизларни — Қизириқ ва Сариосиё туманлари ғаллакорлари ва бутун меҳнаткашларини бугунги ғалабангиз — мамлакатимизда биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш шартномавий мажбуриятларингизни адо этганлигингиз билан табриклашга рухсат бергайсиз.

Бу йилги об-ҳаво ўта оғир келган қишлоқ хўжалик мавсумида кетма-кет ёққан ёмғир, дўл ва сел оқибатларини, табиат инжиқликларини мардона енгиб, ғалла етиштиришда юксак натижаларни қўлга киритганингиз бу ютуқнинг аҳамиятини янада оширади.

Барчамиз сизлар эришган бу муваффақиятларни, аввало, меҳнатни оқилона ташкил этиш, қишлоқда шаклланиб бораётган янгича муносабатларнинг амалий намоёни сифатида қабул қиламиз.

Сиз, заҳматкаш ва лафзи ҳалол деҳқонларни яна бир бор табриклаб, юртимизда фаровонликни ошириш, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш, эзгу мақсад-муддаоларимизни рўёбга чиқаришга қаратилган ишларингизда бахт ва омадлар тилайман.

Доимо соғ бўлинг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Хирмони мўлнинг армони йўқ

Бундан беш-олти йил илгари Қизириқда тўққиз минг гектардаги ғаллани ўриб-йиғиб олиш учун 70 кун лозим бўлган эди. Яна шунча ташвиш билан ҳам топшириқ бажарилмасдан қолганди. Бу йил туманда 9639 гектар суғориладиган ерда бошоқли дон парвариш қилинди. Унинг олти минг гектари ўн уч иш кунида ўриб бўлиниб, 23807 тонна ғалла тайёрланди ва топшириқ уддаланди. Ҳа, қизириқлик ғаллакорларнинг бугунги ғалабаси бир кунлик ёки бир йиллик меҳнат самараси эмас. Фақат пахтачилик билан ўралашиб қолган деҳқонларнинг ғаллачиликда ҳадеганда омади юришавермади. Бир йил уруғ панд берган бўлса, иккинчи йил эски комбайн ишнинг белига тепди. Бир йил экинга занг хуруж қилган бўлса, бошқа пайтда деҳқоннинг манфаатдорлиги эътиборсиз қолди.

Сир эмас, Қизириқ ғаллачилик бўйича вилоятнинг энг қолоқ туманларидан бири эди. Лекин кейинги пайтда туман илғорлар сафига қўшилди. Қизириқда ғаллани етиштиришдан кўра, уни нес-нобуд қилмай ўриб олиш қийин, деган гап бор. Чунки туман ерларини шўр босган. Экин пишай деганда майдонларни қамиш, шўра каби бегона ўтлар қоплаб олади. Шунинг учун бу ерда комбайнчининг ўрни бекиёс.

Туманда ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда.

* * *

Сариосиё тумани ғаллакорлари ҳам давлатга 10921 тонна дон сотиб, шартнома режасини бажардилар. Қўлга киритилган ғалабани иккита омил билан боғлаш мумкин. Биринчиси, деҳқончилик маданияти ўсиб бораётган бўлса, кейингиси тармоқда ислоҳотлар моҳиятининг деҳқон тафаккурига сингиб боришидир. Туманда 1214 та ижарачи-ғаллакор бор. Ҳар қайсининг даласида уйғун даражада мўл ҳосил етиштирилди. Сабаби — уларнинг фикрлаш тарзи, меҳнатга муносабати бир хил. Юсуф Муинов, Меliқул Каримов, Зиёда Ражабовалар гектар ҳисобига 65-70 центнердан хирмон уйган бўлсалар, «Дўстлик», Искандар Диёров номли, Сафар Кассиров номли, «Дашнобод» ширкат хўжаликлари туманда карвонбошилик қилишяпти.

Сариосиёлик ғаллакорлар ўрим-йиғимни қизғин давом эттирмоқдалар.

Вилоятнинг Термиз, Жарқўрғон, Ангор туманлари ҳам марра сари яқинлашмоқда.

О.УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Пойтахт вилоятининг Чиноз туманида ҳам ғалла ўрим-йиғими бошлаб юборилди. Донга тўла бошоқлар мўл ҳосил етиштирилганидан далолат беради. «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг 400 гектарлик ғаллазорларида замонавий «Кейс» машиналари юқори унум билан ишламоқда. Ҳар бир гектардан режадагидан зиёд миқдорда ҳосил йиғиштириб олиняпти.

СУРАТДА: оператор Муроджон Сулаймонов.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

МИНТАҚА ИСТИҚБОЛИНИ ЎЙЛАБ

Эрон матбуоти Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи якунлари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Эрон Ислом Республикасига ташрифи муваффақиятли якунланди. Икки кун давомида Эрон заминида бўлиб ўтган учрашувлар давомида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш йўлида муҳим қадамлар қўйилди.

Айни пайтда, Эрон Президенти Муҳаммад Хотамий ва Афғонистон Ўтиш даври ҳукумати раиси Ҳамид Карзай иштирокида бўлиб ўтган мулоқот ва музокаралар чоғида минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш, шу мақсадда уч давлатни боғлайдиган транзит йўллар қуриш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Эрон матбуоти ички сиёсий нотинчликка қарамасдан ташриф ва музокараларни диққат билан кузатиб борди. “Кейҳон”, “Эттелоот”, “Ҳамшаҳри”, “Теҳрон таймс”, “Эрон ньюс” газеталари, ИРНА ахборот агентлиги эълон қилган хабар ва шарҳларда имзоланган ҳужжатларнинг аҳамияти, Ўзбекистон ва Эрон муносабатлари, қурилиши мўлжалланаётган йўлнинг истиқболи кенг ёритилди. Жумладан, ИРНА ахборот агентлиги шарҳида шундай дейилади: “Уч давлат ўртасида халқаро транспорт йўли барпо этиш ҳақидаги англашувлар катта аҳамиятга эга. У Эронни Афғонистон орқали Марказий Осиё республикалари билан боғлайди. Марказий Осиё республикалари эса Эрон ва Афғонистон орқали Европага ва халқаро денгиз йўлларига қулай чиқиш имкониятига эга бўладилар. Бу келишув Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги алоқаларнинг янада кенгайишига хизмат қилади ҳамда Тошкент, Теҳрон ва Кобул ўртасидаги уч томонлама ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб беради”.

Матбуотда Ўзбекистон раҳбарининг ҳайъатлар учрашувидаги нутқига ҳам алоҳида урғу берилган. “Президент Каримов, — дейилади унда, — транзит йўлнинг қурилиши фақатгина иқтисодий тараққиётга хизмат қилиб қолмасдан, минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни ҳам мустаҳкамлашга ҳисса бўлиб қўшилишини алоҳида таъкидлади. У халқаро ташкилотларни, хусусан, Ислом Тараққиёт Банкини бу лойиҳани молиялашга чақирди”.

Ўзбекистон учун халқаро савдо йўлларига чиқиш ҳаёт-мамот масаласидир. Ҳозирча жаҳонга биргина шимол йўли орқали чиқиш имкониятига эгамиз. Аммо тараққиёт сари юз бурган мамлакатимиз учун бу етарли эмас. Шу сабабли давлатимиз раҳбари мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб янги халқаро йўлларни очиш ташаббуси билан чиқди. Андижон-Ўш-Қашқар йўли қурила бошланди, ТРАСЕКА йўналиши ва Серахс-Машҳад темир йўли ишга туширилди. Аммо Ўзбекистон учун очиқ денгизларга энг яқин йўл Афғонистон ҳудудан ўтиши яхши маълум. Бу қўшни давлатда 20 йилдан ортиқроқ давом этган ўзаро урушлар транзит йўллар барпо этишга тўсқинлик қилди. Эндиликда мамлакат шимолида ўрнатилган бир қадар барқарорлик олдинги режаларни амалга ошириш имконини бермоқда. Президентимиз ташаббуси билан Эронда ташкил этилган уч томонлама учрашув худди шу мақсадга қаратилган эди. Термиздан бошланадиган янги йўл Афғонистоннинг Мозори Шариф ва Ҳирот шаҳарлари орқали Эрон чегараларига, сўнгра Чоҳбахор ва Бандари Аббос бандаргоҳларидан жаҳон денгиз йўлига боғланади. Бунинг учун Афғонистонда янги йўллар барпо этиш, Ўзбекистон ва Эрондаги йўлларни жаҳон стандартларига мос тарзда қайта қуриш лозим бўлади. Мамлакатимиз йўлсозлари бу борада катта тажрибага эга. Ҳозирги пайтда улар Афғонистон ҳудудида барпо этаётган ва тиклаётган кўприклар бунга ёрқин мисолдир.

Эрон матбуоти Ўзбекистон ва Эрон муносабатларига тўхталиб, И.Каримов ўз нутқида икки мамлакат ўртасидаги 260 миллион долларлик савдо айланмаси етарли эмаслиги, имкониятлар катта эканлиги, икки томон ҳам бу йўлда саъй-ҳаракат кўрсатиши зарурлиги ҳақида гапирганлигини қайд этади. Эрон агар саноати ривожланган, нефть ва газ захираларига бой мамлакатлардан бири бўлса, Ўзбекистон ўзининг пахта толаси, пилла, кимёвий ўғитлари, текстиль саноати маҳсулотлари билан жаҳон бозорига дадил чиқаётган давлатдир. Туризм соҳасида ҳам фойдаланилмаган имкониятлар бор. Зеро, иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг кенгайишидан иккала томон ҳам манфаатдор.



Ташриф давомида 6 та ҳукуматлараро ҳужжат имзоланди. Улар ўзаро ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олади. “Иран ньюс” газетаси таъкидлаганидек, Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон — Эрон муносабатларини янги босқичга кўтаради, ҳамкорликнинг янги уфқларини очиб беради.

Н. МУҲАММАДИЕВ.

Давлат божхона қўмитасида ДБҚ Раиси Б.Парпиев бошчилигида БМТнинг Гиёҳвандликка қарши кураш масалалари бўйича бошқармаси ижрочи директори ўринбосари Сумру Ноян ҳамда ушбу бошқарманинг Ўзбекистондаги минтақавий вакили Антонелла Деледда хонимлар иштирокида учрашув ўтказилди.

Гиёҳвандликка қарши кураш – умумбашарий масала

Учрашув давомида томонлар Ўзбекистон Республикаси ҳамда БМТнинг мазкур бошқармаси билан олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик, Ўзбекистон томонидан гиёҳванд моддалар назорати борасида қилинаётган ишлар ва бу йўналишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда ушбу муаммони ҳал этиш ишларини жадаллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишди. Шунингдек, Тошкентда очилаётган Марказий Осиёда ягона ҳисобланмиш Олий ҳарбий божхона институтида малакали кадрлар тайёрлаш борасида ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

Бошқарма ижрочи директорининг ўринбосари Сумру Ноян хоним яқин кунлар ичида «Ўзбек афғон чегарасида жойлашган «Термиз–Ҳайратон» назоратдан ўтказиш пунктидаги фаолиятни такомиллаштириш» Дастурига мувофиқ Давлат божхона қўмитаси мутахассислари иштирокида қўшни давлатлар божхона хизмати вакиллари билан тезкор ахборот алмашиш масалалари юзасидан тренинглар ўтказилиши мўлжалланаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Нурбек САЛОМОВ,
ДБҚ Матбуот хизмати ходими.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ЙЎЛЛАНМА

Мамлакатимизда ҳар бир янги ўқув йилига ҳозирлик тадбирлари Вазирлар Маҳкамасининг республика олий таълим муассасаларига қабул масаласига доир махсус қароридан бошланиши яхши бир анъанага айланган. Бундай қарорни кенг жамоатчилик алоҳида қизиқиш билан кутиб олади. Ва бу бежизга эмас. Сабаби шундаки, ушбу қарорларда олий таълимга қабулнинг турмуш тараққиётининг энг муҳим эҳтиёжларига асосланган янгича шарт-шароитлари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган стратегик мақсадлар негизида таълим ислоҳотига замон талабидан келиб чиқиб бағишланадиган янги йўналишлар, кадрларга талабнинг янги мезонлари ўз ифодасини топади. Ҳукуматимизнинг «2003-2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги Қарори ҳам айнан шу жиҳатларига кўра алоҳида диққатни тортади.

Долзарб мавзу

Ушбу қарорда белгиланганидек, янги ўқув йилида олий таълим муассасаларига қабулнинг олдида турган энг муҳим вазифалар — олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш, республикамиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳалари учун замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш ҳамда умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлашдан иборатдир. Агар жорий йилда олий таълим муассасаларига қабулнинг миқдорий кўрсаткичларини ўтган йилдагига қиёсласак, ўзгариш деярли кўзга ташланмайди. Аммо қабул кўрсаткичларининг таркибида жиддий ўзгаришлар мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, бу йил тўлов-контракт асосида олий таълим муассасаларига қабул қилинадиган талабалар сони ўтган йилдагига нисбатан 900 тага кўпайган. Шунингдек, бу йилги қабулда техника, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, компьютерлаштириш ва ахборот технологиясини ривожлантириш йўналишларида бакалавр мутахассисларни етиштириш масалаларига эътибор кучайтирилади.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан «Умид» жамғармаси орқали ёшларимизни хорижнинг энг нуфузли олий таълим марказларида ўқишини таъминлаш изчил йўлга қўйилган. Бу тадбир Ўзбекистон ёшлари орасидан юксак халқаро андозалардаги мутахассис кадрларни тарбиялаб етиштиришда катта самаралар бермоқда. Ҳозирги кунда ёшларга хорижий таълим беришнинг янги-янги имкониятлари изланмоқда. Тошкентда халқаро Вестминстер университети очилганлиги мамлакатимиз олий таълим тизими ҳаётида муҳим воқеа бўлди. 2003-2004 ўқув йилида ушбу хорижий олий таълим муассасасига 200 нафар талаба олинади. Шундан 80 нафари давлат грантлари асосида қабул қилинади.

Жорий йилда магистратура таълимини янада кенгайтириш ҳам кўзда тутилган. Агар ўтган йили республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги 63 та олий таълим муассасасидан 53 тасида магистратура бўлими очилган бўлса, бу йил уларнинг сони 58 тага етади.

Мамлакатимизда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тобора кенг қанот ёймоқда. Бинобарин, бу йўналишдаги фаолиятнинг негизини янада мустаҳкамлаб бориш вазифалари кўндаланг турибди. Жумладан, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини замонавий малакали педагогик кадрлар билан етарли даражада таъминлаш кун тартибида муҳим вазифадир. Шу билан бирга, ҳозирги кунда мамлакатимизда ёшлар тарбиясида жисмоний ва маънавий-маърифий асосларнинг уйғунлигини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Президентимиз имзолаган Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида, жумладан, умумтаълим мактабларида ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида спорт таълимини жиддий йўлга қўйиш вазифаси белгиланган.

Таълим жараёнида туғилаётган ана шундай улкан эҳтиёжлар инобатга олиниб, 2003-2004 ўқув йилида мазкур йўналишларда педагоглар тайёрлашни кучайтириш мақсадида олий таълим муассасалари ҳузуридаги махсус сиртқи бўлимларга 5000 та талаба қабул қилинади. Бу ўтган йилдагига нисбатан 2000 тага кўпдир.

Шуни айтиш керакки, олий таълим тизимидаги сиртқи бўлимлар сони ўтган йили 19 та бўлса, бу йил 20 тага етказилади. Аниқроқ қилиб айтсак, жорий йилда Тошкентдаги Ахборот технологиялари университетига ҳам ўз йўналишида мутахассис педагогик кадрлар етиштирадиган махсус сиртқи бўлимни очишга рухсат этилди.

Қарорда кўрсатилганидек, ушбу махсус сиртқи бўлимларга ўрта махсус маълумотга ва тегишли таълим тури бўйича камида 3 йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлардан, шунингдек, болалар спорти мураббийларидан бакалаврлар тайёрланади. Махсус сиртқи бўлимларга қабул қилинадиган 5 минг нафар талабадан 1200 таси давлат грантлари ва 3800 таси тўлов-контрактлар асосида ўқийдилар.

Ҳукуматимиз қарорида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда Оролбўйи минтақаси учун малакали мутахассислар тайёрлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор кўрсатилган. Янада аниқроғи, унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг таклифлари қабул қилиниб, Қорақалпоғистон давлат университетининг аграр факультети негизида Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалини ташкил этиш вазифаси қўйилган.

Хуллас, 2003-2004 ўқув йилида республика олий таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги ҳукумат қарори, ўзининг бутун моҳият эътибори билан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, таълим бозорини шакллантириш, республика иқтисодиёти ва ижтимоий соҳаларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олишдек эзгу мақсадларни кўзлайди.

М. САФАРОВ.

Матбуот анжумани

Бугун — Жаҳон қочқинлар куни. Шу муносабат билан кеча БМТнинг пойтахтимиздаги қароргоҳида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбир БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ташаббуси билан ташкил қилинди.

Ўз юртидан айрилмасин...

Маълумки, бу йилги сана ёш қочқинларга бағишланган. Чунки айни пайтда дунё бўйича мавжуд 40 миллиондан зиёд мажбуран ўз уйини тарк этганларнинг тахминан ярми ёшларни ташкил қилади.

Матбуот анжуманида БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Ўзбекистондаги миссияси янги раҳбари Абдул Карим Гул жаҳонда қочқинларнинг ҳозирги аҳволи, Олий комиссар бошқармасининг бу борадаги, айниқса, ёш қочқинларга кўрсатаётган ёрдами ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, тадбирда қўшни Афғонистонга қочқинларни қайтариш ишлари ҳақида ҳам сўз юритилди. Қочқинларни ватанига қайтариш, уларни иш билан таъминлаш Афғонистоннинг тинч ҳаётга ўтишида муҳим омиллардан ҳисобланади. Ўзбекистон ҳукумати ҳам, айнан ана шу муаммога катта эътибор қаратиб келмоқда. Масалан, мамлакатимиз мутахассислари афғон ерида коммуникациялар, йўл ва кўприкларни қайта тиклашда фаол иштирок этишмоқда. Бу эса афғонистонликлар учун қўшимча иш жойлари барпо этилиши демакдир. Мамлакатимиз Президентининг яқинда Эронга қилган сафари чоғида трансафғон йўлагини очиш лойиҳаси ҳам ана шунга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Салим ДОНИЁРОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Ёш скрипкачилар ғалабаси

Яқинда Франция пойтахти Парижда бўлиб ўтган Глазунов номидаги V Халқаро ёш скрипкачилар танловида республикамизнинг уч нафар вакили — Глиэр номидаги республика мусиқа махсус академик лицейининг 5-синф ўқувчиси Тоҳир Яхшибоев, Успенский номидаги республика лицейининг 6-синф ўқувчиси Грейс Гафаров ва Ўзбекистон Давлат консерваторияси қошидаги лицейнинг 1-курс талабаси Дмитрий Исаковлар муваффақиятли иштирок этишди.

Швейцария, Германия, Франция, Россия, Сербия, Жанубий Корея, Литва, Латвия ва Ўзбекистондан келган 60 нафар қатнашчи иштирок этган нуфузли танловда мамлакатимиз вакиллари олти кўрикнинг учтасида ғалаба қозонишди.

Барно МУСАБОЕВА.

САЙЛОВЛАР — ФАОЛЛИК ОМИЛИ

Маълумки, матбуотда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси эълон қилинди. Унда Олий Мажлиснинг қуйи палатасига бўладиган сайловларда, асосан, партиялар иштирок этиши алоҳида белгилаб берилган. Бу эса сиёсий партияларни мазкур палатадан мумкин қадар кўпроқ жой эгаллашга ундайди.

Таъкидлаш жоизки, сайловлар — бугунги кунда демократиянинг муҳим белгиси саналади. Сайловлар даврида оддий фуқаролар сиёсий жараёнларга фаол иштирокчи сифатида жалб қилинадилар. Бу ҳақда Президентимиз «Сайловлар натижасида жамият аъзоларининг хоҳиш иродаси, кайфияти, олиб борилаётган сиёсатга нисбатан муносабати аниқланади, фикрлар хилма-хиллиги намоён бўлади. Ишончни оқламаган, ўз фаолияти, ҳаракати билан сайловчилар манфаатини рўёбга чиқара олмаган вакиллар навбатдаги сайловларда етарли овоз ололмайдилар. Шунинг ўзи назоратдир», деб таъкидлаган эдилар.

Сайловлар — демократиянинг бош талаби деб аталиши бежиз эмас. Чунки демократик давлатларда сайловлар халқ хоҳиш-иродасини амалга оширишнинг асосий механизми ҳисобланади. Сайловлар натижасида халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи сифатидаги сиёсий ролини ижро этади. Шунингдек, сайловлар давлат ҳокимияти институтларига турли қатламлар, гуруҳларнинг манфаатларини етказиш воситаси ҳам саналади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай демократик жамиятда сайловлар ҳамиша кескин курашлар ҳамда турли сиёсий кучларнинг қонуний рақобати асосида ташкил этилади. Бу эса кишиларнинг бирор сиёсий кучни қўллаб-қувватлашлари учун табиий замин яратади. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини қарор топтириш устувор вазифалардан бирига айланганлиги фуқароларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишларини, юксак сиёсий маданиятга эга бўлишларини талаб этади. Шу боис, бугунги кунда муҳим аҳамият касб этаётган — сайловларни янада демократлаштириш, сиёсий партияларнинг эркинлаштириш жараёнларида фаол иштирок этишларини таъминлаш, жамиятимизда сиёсий плюрализмнинг қарор топишига эришиш каби муаммолар ниҳоятда долзарбдир.

Тан олиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг ролини янада ошириш лозимлиги ҳақида кўплаб фикрлар билдирилмоқда. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими эндигина шаклланмоқда. Сиёсий партиялар эса иккита сайловда синалдилар ва уларда сиёсий рақобат, сайловчилар овози учун кураш кўникмалари ҳали тўлалигича шаклланиб улгурмади. Аммо шундай бўлсада, ўтган сайловларнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, сиёсий партиялар бир-бирлари билан ўзаро соғлом рақобатга киришишга тайёр. Айниқса, мамлакатимизда икки палатали парламентнинг шаклланиши сиёсий партияларнинг фаоллигига туртки беради.

Барчамизга маълум, 2002 йилнинг 27 январида бўлиб ўтган умумхалқ референдумида иштирок этган фуқароларнинг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг келгуси чақириқда икки палатали қилиб сайланишини қўллаб-қувватлаган эди. Албатта, халқимизнинг бу қарори мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ислоҳотларни янги босқичга кўтариши, табиий. Чунки икки палатали парламент тизими қонунчилигимизни такомиллаштириш билан бирга кишиларнинг сиёсий фаоллигини оширишга ҳам хизмат қилади. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида бу масалага тўхталиб, жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқлигини, Олий Мажлисни икки палатали қилиб ташкил этиш, жамиятимизни сиёсий жиҳатдан фаоллаштиришга кучли туртки беришини алоҳида таъкидлаган эди.

Биз юқорида сайловлар фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади, деб бекорга таъкидламадик. Гап шундаки, сайловлар вақтида сиёсий партиялар парламентдан кўпроқ жой олиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини қанчалик жонлантирсалар, қанчалик фаоллик кўрсатсалар, кишилар мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ҳақида, уларнинг дастурлари ва мақсадлари ҳақида шунчалик кўп ахборотга эга бўладилар. Бу эса кишиларнинг сиёсий билимларини оширишга хизмат қилади.

Алижон ТОЖИБОЕВ.

Кучли давлатдан - кучли жамият сари

ЭРКИН ҲАЁТ ҚАДРИ

Кейинги йилларда демократлаштириш ва эркинлаштириш жамиятимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоқда. Айниқса, "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ ислоҳотини янги босқичга кўтарди.

Лекин давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ VI сессиясидаги маърузасида "Бу соҳада эришилган ижобий натижаларга қарамай, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳамон совет тизимининг асоратлари сезилмоқда... қабул қилинган янги қонунларни ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган кишиларнинг дунёқараши ва тафаккури анча қийинчилик билан ўзгаряпти" дея фикр билдирган эди.

Президентимиз таъкидлаган муаммо жиддий. Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб мақсади — одамларни демократик қадриятлар асосида ҳаёт кечиришга ўргатишдан, уларнинг яшаш тарзи ва фикрлашини демократия томон йўналтиришдек муҳим вазифани ҳал этмоғимиз керак. Аммо ишни нимадан бошлаш керак? Бу ҳам Юртбошимиз томонидан аниқ-тиниқ белгилаб берилди: "Энг муҳими кишилар тафаккури, фикрлаш тарзини ўзгартириш, биз учун ҳали янги бўлган демократия қадриятларини уларнинг шуурига сингдиришдан иборат".

Мамлакатимизда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ўта муҳим мафкуравий қадриятлардан бири — Инсоннинг улуғланиши ва унинг демократия шароитида яшашга муносиблиги фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатдан асосланишидир.

Жиноят кодексидаги 87 та жиноят таркиби бўйича санкциялар бирмунча енгиллаштирилди, улардан 26 тасида қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо чоралари чиқариб ташланди. Айниқса, иқтисодий йўналишдаги жиноятлар учун жарима тарзидаги чораларни қўллаш кўлами анча кенгайди.

Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида Жиноят кодексида хусусий мулкни ҳимоя қилишга қаратилган меъёрлар ҳам ўз ифодасини топди. Бу Асосий Қонунимизда хусусий мулк бошқа мулк шакллари қатори даҳлсиз, давлат ҳимоясида эканлиги тўғрисидаги қоида билан мустаҳкамланган. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари тарихидан аёнки, ҳеч бир давлат фуқароларнинг мулк ҳуқуқини таъминламай туриб, чинакам демократик жамият қура олмайди. Яъни қонунчиликда шахсларнинг мол-мулки муҳофаза этилиши лозим. Шунга кўра, жиноятчи содир қилган жинояти учун жавобгар бўлиши керак. Бироқ, унинг бугун қилган жинояти учун кеча, ўтган йили ишлаб топган мулкини ҳам қўшиб мусодара қилиш адолатдан эмас. Бундай жазо белгиланган тақдирда содир этилган жиноят учун нафақат жиноятчи — балки унинг оиласи ҳам жавобгар сифатида жабр кўрар эди. Негаки, оиладаги бутун мол-мулк тортиб олиниб, давлат фойдасига мусодара этиларди. Бу билан судланган инсон ва унинг оила аъзоларининг иродаси узил-кесил синдирилар эди. Янги қонунчиликда мол-мулкни мусодара этишнинг бекор қилинганлиги эса жиноятлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини демократлаштириш ва либераллаштиришнинг энг ёрқин ифодаси бўлди.

Ҳуқуқ соҳасидаги эркинлаштириш жараёни жамиятнинг барча қатламларига дахлдор. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар учун жазо тизимини тарбиявий мақсадга йўналтириш пухта ўйланган. Аслида қайта тарбия — жазо муддатини ўташ мобайнида жиноятчини миллат, жамият, эл-юрт фаровонлиги учун яшаш ва меҳнат қилиш учун тайёр, тўлақонли фуқаро сифатида қайтишига хизмат қилади. Худди шу нуқтаи назардан қараганда, қонунчиликка вояга етмаган ёшларга оид қўшимча ва ўзгартишлар киритилганлиги жуда муҳим мафкуравий тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари, Жиноят кодексига аёлларга ва ёши олтмишдан ошган эркакларга озодликдан маҳрум қилиш тариқасида тайинланадиган жазонинг энг кўп муддатларини камайтиришга қаратилган ўзгартишлар ҳам киритилди. Эндиликда аҳолининг шу қатламига мансуб шахсларга озодликдан маҳрум қилиш муддати муайян жиноят учун қонунда белгиланган энг кўп жазо муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистонда аёлларга ва вояга етмаганларга нисбатан ўлим жазоси тайинланмаслиги илгари қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган эди. Янги қонунда бундай қоидани олтмиш ёшдан ошган эркакларга ҳам татбиқ этилиши белгиландики, бу ҳол халқимизнинг ёши улуғларга мурувват кўрсатишдек қутлуғ анъанасига асосланган.

Юқоридаги фикрлардан маълумки, мамлакатимизда ҳуқуқий ва мафкуравий ислоҳотлар уйғун амалга оширилмоқда. Демак, ҳар биримиз қонун ижроси учун масъулиятни ҳис қилишимиз ва бу ҳақда қайғуришимиз лозим. Зеро, ҳуқуқий давлатни ҳуқуқий саводхон, огоҳ, мафкураси мустаҳкам бўлган фуқароларгина қуради.

Ғофуржон МИРЗАЕВ.

Хавфсиз, таъсирчан, арзон

Навоийдаги "Электркимёзаводи" жамияти қўшма корхонасида бир неча турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Германиянинг "BASF" фирмаси технологияси асосида тайёрланган "STOMT" гербициди деҳқонларга жуда қўл келди. Янги линияда соатига 5 тоннага яқин маҳсулот пластмасса идишларда жаҳон андозаларига мос равишда қадоқланмоқда. Унинг дастлабки туркуми Сурхондарё вилоятига жўнатилди. Куни кеча Бухоро, Жиззах, Наманган вилоятларидан ҳам буюртмалар қабул қилинди.

Яқинда Япониянинг "Куминай кемикл" компанияси вакиллари заводга ташриф буюришди. Улар яна бир янги маҳсулотнинг тайёрланиш жараёнини кузатдилар. "Помпип" деб номланган препарат шоли экиладиган майдонларда бегона ўтларнинг ўсишига йўл қўймайди, сувнинг экологик хавфсизлигини таъминлайди.

Экспертларнинг хулосаларига кўра, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар чет эллардагилардан асло кам эмас. Балки хавфсизлиги, таъсирчанлиги, арзонлиги билан ажралиб туради. Шу тариқа бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар тури 30 тага етди.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, "Халқ сўзи" мухбири.



«Атлас» акциядорлик жамияти республикада биринчилардан бўлиб «Силк Роад» ўзбек-япон қўшма корхонасини ишга туширган эди. Айни пайтда жамият ўзбек-кипр ҳамкорлиги меваси — «Сал-Ком-Текс» қўшма корхонасини ишга тушириш арафасида. Бу эса ўнлаб ёшларимизни доимий иш билан таъминлаш билан бир қаторда, ўзбек ипагининг довруғини жаҳонга ёйишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Айни пайтда жамият Швейцария ва италиялик ҳамкорлар билан биргаликда «Соф ипак» қўшма корхонаси ташкил этиш борасида музокаралар олиб боришаётир.

СУРАТДА: «Атлас» акциядорлик жамиятининг илғор ишчиси Моҳира Эрмирзаева.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Мамлакатимиз саноатининг етакчи корхоналаридан бири — «Муборакнефтгаз» унитар корхонаси «Aguuribs Artsmaker» халқаро марказининг Crystal Artsmaker мукофотига сазовор бўлди.

«Муборакнефтгаз»нинг ютуғи

Яқинда Мальтада ушбу мукофотни топширишга бағишланган маросим ўтказилди. Компания президенти Питер Мамо «Муборакнефтгаз» унитар корхонаси вакилига нуфузли мукофотни топширди.

«Туркистон-пресс»

Томдида меҳнат бозори

Қизилқумнинг қоқ марказида жойлашган Томди туманида аҳолини иш билан таъминлашда ўзига хос қийинчиликлар бор. Туман ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими, туман прокуратураси ҳамда овул фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида ўтказилаётган ярмаркалар чорвадор оилаларга жуда қўл келаяпти.

Яқинда бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида 70 нафар ишсиз турли касблар бўйича ишга қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Парламентаризм тарихидан

Мамлакатимизда қонунчилик тизимини ривожлантириб, икки палатали парламентга ўтишга жиддий тайёргарлик ишлари олиб борилаётган бугунги кунда бу соҳада сўнгги 12 йилда амалга оширилган ўзгаришлар моҳиятини янада чуқурроқ англаб етиш учун Ўзбекистон заминида илк қонун чиқарувчи органни ташкил этиш ғоялари, унинг вужудга келиши ва босиб ўтган йўлини тарихий изчилликда кўриб чиқиш ўринлидир. Айниқса, Ўзбекистоннинг совет давридаги қонун чиқарувчи ҳокимият ваколатини бажарган давлат органининг моҳияти ва ролини тўғри баҳоламасдан туриб, бугунги ўзгаришлар аҳамиятини чуқур тасаввур этиш мушкул.

ОЧИЛМАЙ ҚОЛГАН ҒУНЧА

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, ***"ҳаётимизда қандай ўзгаришлар рўй берганини баҳолаш учун бизга собиқ Иттифоқдан, эски мустабид тузумдан қандай тарихий мерос қолганини яна бир карра эслашимиз зарур".***

Дарҳақиқат, дунёга адолатли ва демократик тузум қуриш ҳақида жар солиб, қандайдир хаёлий, утопик ғояларни рўёбга чиқаришга даъво қилган большевиклар амалга оширган давлат тўнтаришидан сўнг ўрнатилган янги тузум, янги бошқарув тизими бунинг мутлақо акси бўлиб чиқди. Бироқ, парламент тизими, қонун чиқарувчи органни шакллантириш йўлидаги илк уринишлар ва ҳаракатлар хусусида сўз борганда, бу жараённи совет даври билан боғлаш мутлақо нотўғри бўларди. Чунки тарихий далиллар бу ўлкада мазкур масалада большевиклардан аввалроқ жиддий саъй-ҳаракатлар олиб борилганини тасдиқлайди.

Дастлаб халқни маърифатли қилиш орқали тараққиётни кўзлаган илғор фикрли кишилар — жадидлар табиий равишда унинг илдизларига — сиёсий масалаларга ҳам яқинлаша бордилар. Ўлкадаги барча муаммолар асоси бўлган мустабид бошқарувга асосланган мустамлакачилик тизими ҳар бир соҳадаги каби бу мақсадларга эришишда оғир тўсиқ бўлиб турарди.

Россиянинг чекка ўлкаси ҳисобланган Туркистон Россия қонунчилик органи Думага ўз вакилларини юбориши керак эди. Бироқ Чор ҳукумати ўз мустамлакасига вакиллик ҳуқуқини беришни истамай, улар асосан руслардан ташкил топишига ҳаракат қилди. Махсус ишлаб чиқилган **"Туркистонда сайлов қоидалари"** лойиҳасида белгиланган тартибга кўра, ҳар бир вилоятдан биттадан миллат вакили ва албатта битта рус миллати вакили сайланиши белгилаб қўйилди. Яъни, сайловга вакилликка номзоднинг профессионал қобилияти ва фазилатлари эмас, балки миллий мансублиги асос қилиб олинди.

Иккинчи чақириқ Давлат Думасига сайловда эса яна бир ценз — Туркистондан фақаттина рус тилини мукаммал эгаллаган номзодлар сайланиши шарт қилиб белгиланди. Учинчи ва тўртинчи чақириқларда эса Туркистон халқлари умуман вакиллик ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Бироқ, Туркистон жадидлари Давлат Думасида ўз вакиллик ҳуқуқларини тиклаш учун зўр бериб ҳаракат қилдилар, бу масалалар уларнинг ўзлари ташкил этган миллий матбуотда кенг муҳокама қилинди.

"*Биз туркистонликларга,* — деб ёзган эди ўша пайтда Маҳмудхўжа Беҳбудий, — *она тилида ҳам, рус тилида ҳам эркин сўзлай оладиган, таҳрир қиладиган, шариатни биладиган, жаҳон сиёсий шароитини тушунадиган кишилар дарҳол керак... Улар Туркистоннинг ҳаётий манфаатларини ҳисобга олувчи, биз учун зарур қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишлари лозим. Агар биз, мусулмонлар бу ишни ўзимиз қилмасак, улар бизнинг ўрнимизга қонунлар чиқаради. Улар, худди аввалгидек, бизнинг дин ва ҳаётимизга мувофиқ келмайди.*" "*Биз қабул қиладиган қонунлар,* — деб уқтиради у, — *яҳудийларнинг ҳам, насронийларнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам, умуман, барчанинг манфаатини ҳимоя қилиш керак.*"

Айнан шу даврда Туркистонда илк бор миллий сиёсий партия тузиш зарурлиги англаб етилди, чунки таъсис мажлисига бўладиган сайловларда сиёсий партиялар катта ўрин тутиши кўриниб турарди. 1917 йил июлда Туркистон зиёлилари **"Турк адами марказияти"** партиясини туздилар. Партия ўз дастурини ишлаб чиқди ва эълон қилди. Унда 20 ёшга кирган барча фуқаролар миллати, жинси, синфи, динидан қатъи назар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлиши, виждон эркинлиги, таълим эркинлиги жорий этилиши белгиланган эди. Туркистон давлатчилиги тарихида биринчи марта бошқарувнинг республика парламент шаклларини барпо этишга қонун чиқарувчи мажлис (парламент) ва ижроия муассасаларини вужудга келтириш кўзда тутилди.

Демак, Туркистондаги илғор фикрли кишилар ҳали большевиклар ҳукуматни қўлга олишларидан аввалроқ демократик ҳуқуқ ва эркинликлар, демократик давлат тузиш йўллари ҳақида тўғри ва аниқ тушунчага эга бўлиб, бу борада ўз дастурларини ҳам белгилаб олган эдилар.

> **Ваҳоланки, XIX аср у ёқда турсин, XX аср ўрталарида ҳам АҚШ, Европанинг ҳозирда ривожланган давлатларида ирқи, жинси ва келиб чиқишига қараб жиддий чеклашлар — сайлов цензлари мавжуд эди.**

Жадидлар Туркистондаги давлат бошқаруви масаласини муҳокама қилиб, Тошкентда 1917 йил 17-20 сентябрида бўлиб ўтган Туркистонлик ва қозоқ мусулмонлари съездида Туркистон мухториятини таъсис этишга қарор қилдилар. Туркистон Россия таркибидаги федератив республика бўлиши кўзда тутилиб, давлат хазинаси, ўз армиясига эга бўлмаган бир шароитда бу энг мақбул йўл деб топилганди.

Бу ҳукуматнинг қонунчилик органи парламент бўлиши, бу парламент Туркистон ўлкасида яшовчи барча халқлар томонидан умумий, тўғридан-тўғри, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга мажбурий пропорционал ваколатга эга бўлган ҳолда сайланиши ҳақида келишиб олинади. Жадидларнинг фикрича, ҳар бир шаҳар ва уездан бир нечтадан вакил сайлаш ва Тошкентда Туркистон учун ярокли амалий натижа берадиган солиқ қонунлари ва фармонлар чиқара оладиган катта марказ ва мажлис (парламент) ташкил этиш керак эди. Съездда ер-сув, армия, суд, пул масалаларида ҳам аниқ ва муҳим қарорлар қабул қилинади.

Шундай қилиб, 1917 йил кузига келиб Туркистон зиёлилари ўз дастурий ҳужжатларига эга бўлиб, Таъсис мажлисига тайёр бўлдилар. Муваққат ҳукумат Таъсис мажлисига сайловларни 12 ноябрга, унинг очилишини 28 ноябрга белгилайди. Афсуски, миллий зиёлиларнинг катта умидлари, Таъсис мажлисга ишончлари ўзини оқламади. Миллий демократик кучларнинг бу қадар фаоллигини кўрган социал-демократлар Таъсис мажлисига қадар ҳокимиятни тортиб олиш лозим, акс ҳолда у маҳаллий зиёлилар қўлига ўтиб кетади, ягона йўл — қуролли қўзғолон деган хулосага келдилар. Россияда ҳам худди шу йўл танланган эди.

28 октябрда Тошкентда большевиклар ҳокимиятни қурол билан, яъни зўрлик орқали қўлга олдилар. Большевиклар ўлкада давр тақозоси билан юзага келган илғор ғояларни бўғиб ташладилар, уларни амалга оширишга йўл бермадилар. Ваҳоланки, туркистонлик тараққийпарварлар бу пайтда ҳокимиятни тинч йўл билан, сайловлар орқали, яъни демократик асосда қўлга киритиш учун жиддий тайёргарлик кўриб, шай бўлиб турган эдилар. Улар бу пайтга келиб дунёвий қонунчилик зарурлигини англаб етгандилар, демократик сайлов асосида қонун чиқарувчи органга эга бўлган дунёвий давлат тузиш режаларига эга эдилар. Сайлов ҳуқуқи асослари демократик тарзда, яъни бирон-бир чеклашларсиз ишлаб чиқилди, диний мансублик, ижтимоий келиб чиқиш жинси ва мол-мулкига қараб чеклашлар белгиланмади.

Ваҳоланки, XIX аср у ёқда турсин, XX аср ўрталарида ҳам АҚШ, Европанинг ҳозирда ривожланган давлатларида ирқи, жинси ва келиб чиқишига қараб жиддий чеклашлар — сайлов цензлари мавжуд эди. Туркистонлик зиёлилар томонидан бундай илғор ғояларнинг 1917 йилдаёқ илгари сурилиши уларнинг сиёсий жиҳатдан анча етук бўлганларини кўрсатади.

Бироқ, кейинчалик совет адабиётларида бу тарихий ҳақиқат эътироф этилмади, аксинча, "Туркистон халқлари сиёсий онги паст, қолоқ, саводсиз бўлган", деб уқтириб келинди.

Юқорида қайд этилган таг-заминсиз далиллар "совет ҳокимияти туфайлигина Ўрта Осиёда, жумладан, Туркистонда олий қонунчилик ва вакиллик ҳокимияти идоралари пайдо бўла бошлади", деган даъволарнинг асоссизлиги, аксинча, совет ҳокимиятининг зўравонлиги туфайли миллий демократик давлат тузиш ҳаракатлари рўёбга чиқмай қолганини яққол намоён этади.

Тараққийпарвар кучлар большевиклар ҳокимиятни қўлга олгандан кейин ҳам бўш келмадилар. Совет ҳокимиятига биронта маҳаллий аҳоли вакилининг киритилмаслиги унинг Туркистон халқи иродасини акс эттирмаслигини кўрсатиб турарди. Бунга жавобан "Шўрои уламо" зудлик билан ўлка мусулмонларининг тўртинчи фавқулодда қурултойини чақиради. Тошкент большевиклар ҳокимиятининг назорати остида бўлганлиги туфайли қурултой Қўқонда ташкил этилади.

Унда демократик йўл билан Муваққат халқ кенгаши (айтиш мумкинки, парламент) ва Муваққат ҳукумат сайланди. Бироқ, маҳаллий аҳолини давлат бошқаруви ишларига қодир эмас деб камситган совет ҳокимияти бу ҳукуматни тан олишни истамади ва Туркистон мухториятини йўқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. 1918 йилнинг 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси Совет ҳокимияти юборган ҳарбий кучлар Қўқонни ишғол қилишди. Шундай қилиб, Туркистон халқларининг демократик интилишлари қонли йўл билан бостирилди.

> **Айтиш мумкинки, туркистонликлар миллий демократик асосда давлатчиликни тиклаш, мустамлакачилик занжирларини узиш йўлида биринчи амалий қадам ташлашга уринган эди.**

Айтиш мумкинки, туркистонликлар миллий демократик асосда давлатчиликни тиклаш, мустамлакачилик занжирларини узиш йўлида биринчи амалий қадам ташлашга уринган эди. Совет ҳукуматидан фарқли ўлароқ, Туркистон мухторияти қонуний асосда шаклланган бўлиб, кенг мусулмон оммаси ва демократик кайфиятдаги европалик аҳолидан ваколат олганди. Туркистон мухторияти ўз тақдирини ўзи белгилаган халқнинг республикаси эди.

Шундай ҳолат кейинчалик Бухоро Халқ Республикаси ва Хоразм Халқ Республикаларида ҳам қайтарилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ҳудудида большевиклар диктатураси ўрнатилгунга қадар вакиллик ҳокимияти органларини тузиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш борасида аниқ амалий ҳаракатлар йўлга қўйилган эди. Афсуски, совет ҳокимияти уларни изчил амалга оширишга йўл бермади.

Вақт ўтиб ҳам совет ҳокимияти, қанчалик ҳаракат қилмасин, собиқ СССР республикаларида парламентчилик дунёда эътироф этилган меъёрлар даражасида ривожланмади. Сабаби, давлатчилик тизимини яратишда ўзгача йўлдан боришни истаган совет ҳокимияти ўша пайтда бошқа ривожланган мамлакатлар қўллаётган давлат ҳокимиятини учта бўғинга ажратишдан иборат классик концепциясини қўллаш орқали амалга оширишни хоҳламади. Парламентаризм ва ҳокимиятлар бўлиниши ғоялари буржуа жамиятининг тамойиллари сифатида мутлақо рад этилаверди. Большевиклар қонунларни ўзи чиқариб, ўзи ижро этиб, ўзи назорат қилишни хоҳлади. Хуллас, бундай парламентчилик тизими на профессионаллик, на ваколатларнинг бўлиниши, на иш юритиш тизими бўйича талабга жавоб берарди.

Бундан ташқари, аксар ҳолларда сайлов округларида амалда сайловчилар бор-йўғи битта номзод учун овоз беришга мажбур эдилар. Сут соғувчи, тракторчи, пахтакор, колхоз раиси, совхоз директори, ғаллакор, шифокордан иборат Олий Совет давлатчиликда халқ ҳокимияти бутафорияси вазифасини ўтарди, холос.

Ҳатто, расман эълон қилинган "совет демократияси" ҳам амалда анчагина чеклаб қўйилган эди. Бу ҳол, айниқса, Олий Совет сессиялари белгиланган муддатда чақирилмаслиги ва республика Олий Советига сайловлар вақти кўчирилаверишида намоён бўлиб турарди. Ўзбекистоннинг давлат бюджетлари ва улар юзасидан ҳисоботлар ўз вақтида кўриб чиқилмасди. Масалан, 1948-1949 йиллардаги Давлат бюджетлари йилнинг ўртасидагина тасдиқланган. Хуллас, сессияларнинг мунтазам ўтказилмаслиги, муҳокамага қўйиладиган масалаларда тартиб йўқлиги, ҳаттоки, сайловларнинг вақти ҳам хоҳлаганча ўзгартирилиши каби тартибсизликлар ушбу идора ҳукуматнинг қўлидаги бир қўғирчоқ бўлганлигини ва унинг асосий функцияси давлатга керакли ҳужжатларни вақти-вақти билан тасдиқлаб туришдан иборатлигини кўрсатади.

Мустақилликка эришгач Ўзбекистон Олий давлат вакиллик органини мазмун ва моҳият жиҳатидан ўзгартириб, мутлақо янги парламентни шакллантиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. 1994 йилда илк бор кўппартиявийлик асосида бўлиб ўтган сайловлар натижасида бир палатали, 250 нафар депутатдан иборат Олий Мажлис ташкил топди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда икки палатали олий вакиллик органини шакллантиришга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда.

Бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этиши керак бўлган ўзгаришлар даври келди. Янги икки палатали парламент чинакам сиёсий куч, халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиладиган ва фаол ишчан муҳитда қонун яратувчилик вазифасини амалга оширадиган орган бўлиши лозим. Унда демократик жамият тамойиллари — ўзаро чеклашлар ва мувозанат тизими, қонун чиқарувчи органнинг ўз мавқеига эга бўлиши, депутатларнинг профессионал асосда ишлаши ўз аксини топиши зарур.

Мана шундай ислоҳотлар натижаси ўлароқ жамиятда янги тарихий жараёнлар юз беради. Бу ўзгариш ва янгиланишлар сиёсий партиялар, сиёсатчилар, зиёлиларнинг кенг доираси ва айниқса оммавий ахборот воситаларини муҳим ижтимоий институтлар сифатида ўзаро чамбарчас алоқада ишлашнинг янги даврини очиб бериши лозим.

Ана шундагина тараққийпарвар ота-боболаримиз XX аср бошида орзу қилган ва афсуски, амалга ошмай қолган истаклари бугун, истиқлол ва кечаётган ўзгаришлар шарофати билан рўёбга чиқиши муқаррардир.

Шерзод ҚУДРАТХЎЖАЕВ, сиёсатшунос тадқиқотчи.

Мамлакатимизда биринчи мультимедиа дарслиги яратилди. Автомобилсозлик йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари учун техникавий ўқув адабиёти сифатида юзага келган бу компьютерли ўқув дарслиги Тош-

Биринчи ўзбек мультимедиа дарслиги

кент автомобиль йўллари институти олимларининг самарали изланиши маҳсули бўлди.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган «Нексия», «Тико», «Дамас» ва «Матиз» автомобилларига техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ишлари олиб бориш бўйича компьютер ўқувини ўтказишда бу китоб қўл келади.

Янги дарсликдан фойдаланган талаба ёшлар бу транспорт воситалари барча механизмларини, конструкцияларини кузатиб туриш имкониятига эга бўладилар.

Акбар АЛИЕВ.

Маънавият

Ё АСЛИНГ КАБИ БЎЛ, Ё ЎЗНИ КЎРИНГАНИНГДЕК ТУТ

Биз машинада светафорнинг қизил чироғи ўчишини кутиб турган эдик. Шу пайт йўл ҳаракати қоидаларини назорат қилиб турган икки ходим машинага ўтириб, бурилиш ман этилган жойдан кескин қайрилди-да, қизил чироққа қарамасдан ўтиб кетди.

—Ие, йўл қоидаларини уни кузатувчилар ҳам бузадиларми?— сўрайман ҳайдовчидан.

— Ўшалар бузишсин-да,— ҳасратини бошлади ҳайдовчи,— бир кун машинага йўл-патрул хизмати ходими ўтириб, светафорнинг қизил чироғига, умуман, тўхтамасдан ҳайдашимни буюрди. —Фавқулодда бирор ҳолат рўй бердими, деб сўрагандим, хотини кеча туққанини, кўргани кетаётганини айтди. Бир-икки светафордан ғизиллатиб ўтиб кетдим. Аммо гавжум чорраҳадан ўтишнинг иложи бўлмади. Йўл-патрул хизмати ходими эса ҳайдашга мажбурлади, «Сиз-ку кўпайибсиз, мен камайишни истамайман,» — дегандим, шартта тушиб, бошқасига ўтириб кетворди.

* * *

Яқинда талаба қизим гапириб қолди. Маънавиятдан сабоқ берувчи ўқитувчиси спиртли ичимликларнинг инсон маънавиятига таъсири, соғлом турмуш тарзига зарари хусусида 90 дақиқа давомида маъруза қилибди. Шу куни талабалар ошхонада овқатланиб ўтиришса, ҳалиги ўқитувчи секин кириб, сотувчига ишора қилибди. Панага ўтиб, стакандаги ароқни бир кўтаришда ичибди-да, ҳеч нарса бўлмагандай чиқиб кетибди. «Эсиз, ҳайф кетган 90 дақиқам», — дермиш буни кўрган талабалардан бири.

* * *

Икки йил илгари мен яшаган маҳаллада ойнаи жаҳондан диний мавзудаги чиқишлари билан танилган домлалардан бири турарди. Хайр-эҳсон, саховатпешалик сингари ахлоқий-диний мавзуларда жойларда соатлаб маъруза қилар эди. Уйи мисоли қасрни эслатарди. Ундан уч-тўрт ҳовли нарида гўдаклари билан бева аёл муҳтожликда яшарди. Дин ва ахлоқ пешвосининг уйидан бирор марта етимлар учун бир косада тансиқ таом чиққанини ёки кийим-кечаклар билан йўқланганини эшитмадим. Эртаю кеч намозу, тоат-ибодат қилса-да, ёнгинасида истиқомат қиладиган ўз жигарининг ҳам корига ярамайдиганлар борлигини биламиз. Аммо умрида намоз ўқимасдан туриб, ҳажга бориб-келганнинг савобини олган одамлар ҳам йўқ эмас.

* * *

Бир машҳур хонанданинг ҳаётини биламан. Эзгуликни улуғлаб қўшиқлар айтади. Укалари ҳам санъат, маданиятни тарғиб қиладилар. Аммо уларнинг оналари умрининг охирини қариялар уйида ўтказди. Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин. Ўз-ўзидан савол туғилади.Нега айрим одамларнинг қилаётган иши бошқаю, айтаётган сўзи бошқа?

* * *

Шуни айтиш жоизки, бу сингари иллатлар аллома Жалолиддин Румий даврида ҳам бўлган экан.«Ё аслинг каби бўл, ё ўзни кўринганингдек тут», деб хитоб қилган экан шоир. Бу салбий кўринишлар одамлар орасида мунофиқлик, ёлғон, разолат сингари иллатларга йўл очишини илғагани учун ҳам ҳазрат безовталанган. Одамларни тил ва дил уйғунлигига ундаган.

Масалага ўз касбимиз нуқтаи назаридан ёндашайлик. Ҳаётнинг у ёки бу соҳасини ёритишда, муаммоларни таҳлил этишда ўз манфаатимиз доирасида муносабатда бўламиз. Агар у шахсий манфаату эркинликларимизга дахлсиз бўлса, салбий бўёқни аямаймиз. Агар дахлдор бўлса, мавзуга ижобий хусусиятларни мажбуран ёпиштирамиз. Ҳеч бўлмаганда, эҳтиёткорлик билан унисидан озгина, бунисидан озгина қўшамиз-да, холис нуқтаи- назаримизни беролмай, четдан жимгина кузатиб турамиз. Натижада сўзимиз бўлак, ҳаёт бўлакча бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, қачонки тил ва дил уйғун бўлса, фаолиятимизда унум бўлади. Токи айтаётган сўзларимизга, бераётган сабоғимизга, ёзаётган мақолаю китобларимиздаги ғояларга ўзимиз амал қилмас эканмиз, бари бефойда. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп. Ҳар қандай чиройли сўзларга бурканган, аслида мақсад-муддаоси бошқа ғоя ва тузумнинг ўткинчилиги аён. Аслида неча юз йиллардан буён сақланаётган мерос ва анъаналар халқимизнинг тили ва дили уйғун келган ҳаёт ва ижод маҳсулотларидир.

Мамлакат НОРМУРОДОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Гўшт ўралган... ижод

1987 йил. ТошДУ (ҳозирги Ўз МУ) журналистика факультетининг сўнгги курсида таҳсил олардик. Ўша пайтлар факультетнинг "Журналист" номли ўз газетаси бўлиб, уни устозимиз Мухтор Худойқулов бошқарардилар. Газетанинг июнь ойи сонини чиқариш курсимизга топширилди.- Бир неча кунлик уринишлар, таҳрирлардан сўнг кимнингдир шеъри, кимнингдир ҳикояси яна кимнингдир "қатра"си ўрин олган газета дунё юзини кўрди. Ҳали бўёқ ҳиди кетмаган газета тахламларини оларканмиз юракларимиз ҳапқирар, ҳаммага мақтангимиз, ўзимизнинг меҳнатимиз самараси — "Журналист"ни барчага кўз-кўз қилгимиз келарди. Сессия даври эмасми, аксига олиб барча ўз иши билан банд, факультет деярли бўм-бўш. Биз факультетдан узоқлашаяпмиз ҳамки биров "қўлингдаги қандай газета" деб сўрамайди. Шу пайт қайсидир институтдан келиб бизларга иқтисодиёт курсидан сабоқ бераётган Турғунов домлага кўзимиз тушди. Атай ўша томонга юрдик. Курсдошим иккимизнинг кўнглимизда ҳам бир хил ўй кечарди: "Қанийди газета сўрасалар".

Домлага салом бердик. Домланинг эътиборини тортиш мақсадида қўлимиздаги газета тахламларини янада кўримлироқ қилиб ушлаб олдик.

— Ваалайкум ассалом. Қандайсизлар, қизлар? Имтиҳонлар чарчатиб қўймаяптими?

— Раҳмат, домла. Давлат имтиҳонларига тайёргарлик кўряпмиз.

— Қўлларингиздаги газетами?

— Ҳа, газета! Ўзимиз чиқарганмиз! Ичидаги мақолалар ҳам, шеърлар ҳам курсдошларимизники. Муҳаррирлигидан тортиб мусаҳҳиҳлигигача ўзимиз қилганмиз. Бу — бизнинг илк мустақил меҳнатимиз.

— Буни қаерга олиб кетаяпсизлар?

— Ётоқхонадагиларга тарқатгани.

— Менгаям битта берингларчи, ўқиб кўрай.

Аслида биз ана шу сўзни кутиб тургандик: ҳар иккимиз ҳам унга газета тутқаздик.

Домла миннатдорчилик билдириб, йўлида давом этди. Биз эса ҳамон ҳаяжонда эдик. Илк муштарийимиз газетамизни қандай баҳолар экан?! Кутилмаганда ортимиздан кимдир чақиргандек бўлди. Ўгрилиб қарадик: Турғунов домла!

— Лаббай, домла.

— Мумкин бўлса газеталарингиздан яна иккита берсанглар.

Биз қувониб кетдик: ўқиб кўрдингизми, сизга ёқдими?

Биз бир-биримизга гал бермай домлани саволга тутамиз.

— Жуда яхши, ҳаммаси яхши, — деди домла лоқайдлик билан. — Ҳали уйга боргач ўқиб чиқамиз. Анави дўконда гўшт беряптийкан. Газетанинг қоғози қаттиқ бўлгани учун гўшт ўрамоқчийдим.

Биров устимиздан совуқ сув қуйгандек бўлди. Ахир у бизнинг журналист сифатидаги илк меҳнатимиз самараси эдида! Домланинг қўлидаги боя ўзимиз тутқизган газеталаримизни қайтариб олмоқчи бўлдик. Бироқ олдинда имтиҳон синовлари турганини ўйлаб жим қолдик.

Турғунов яна иккита газетани қўлимиздан деярли юлқиб олди ва ҳеч нарса бўлмагандек йўлида давом этди. Биз эса нима қиларимизни билмасдан туриб қолдик.

— Мани қизларимга нима бўлди? Ҳатто салом бергилариям келмаяпти.

Бирданига ҳушёр тортдик: Жамила Шермуҳаммедова.

Опадан узр сўрадик.

— Бу қандай газета, қаёққа олиб кетяпсизлар?

Шеригим менга, мен унга қарадим.

— "Журналист"нинг бу сонини биз чиқаргандик. Шуни ётоқхонага олиб кетяпмиз, — дедик ҳафсаласизлик билан.

Опа газетани қўлга олдилар ва ҳайрат билан:

— Ҳаммаси ўзимнинг болаларимнинг асарларию! Баракалла!

Жамила опа бир зумда газетага кўз югуртириб чиқдилар.

— Табриклайман. Вой, Гулнорахон яхши шеърлар ёзаркану, Ғофуржоннинг шеърлари ҳам ўзига хос.

Опа ҳар бир мақола, ҳикоя ва шеърларга ўз муносабатларини билдирдилар.

— Баракалла!

Турғунов домла парчалаб кетган кўнглимизни гўё Жамила опа арши-аълога олиб чиққандай бўлдилар.

Шу-шу газетага нималарнидир ўраб кетаётган кишиларни кўрсам жаҳлим чиқиб кетади. Ахир газета машаққатли меҳнатнинг, уйқусиз тунлару беҳаловат кунларнинг маҳсули эканини улар қаердан ҳам билсин, — дея таскин бераман ўзимга. — Яхшиямки, дунёда Турғуновлардан кўра Жамила опалар кўпчиликни ташкил этади.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

МОЗИЙ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ



Мамлакатимизнинг жанубий сарҳадида жойлашган Термиз шаҳри ўзининг бой тарихи, осори атиқалари билан олиму фузалоларнинг эътиборини тортган. Айниқса, II-IV асрларга мансуб Қоратепа харобаларидаги буддавийлик мажмуи нафақат ўзбек олимлари, балки ҳамкорликда иш юритаётган кунчиқар мамлакатнинг археолог олимларини ҳам лол қолдириб келмоқда. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, мазкур ёдгорлик нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёда ҳам энг қадимий буддавийлик маркази бўлган. Қоратепадан топилган лой ва ганчдан ишланган донаторлар, турли ҳайкалчалар, ибодат қилишга мўлжалланган махсус жойлар ана шундан дарак беради.

СУРАТЛАРДА: *археолог олимлар япониялик Като Кюдзо ва Шокиржон Пидаев; Қоратепа ёдгорликлари акс эттирилган.*

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА)
олган суратлар.

Газетада босилмади, аммо...

Йўл кенгаядиган бўлди

Чортоқ туманидаги Қорабоғ қишлоғида яшовчи Шерали Қодиров жорий йилнинг март ойида таҳририятимизга бирмунча ташвишли мактуб йўллаганди. Унда мазкур қишлоқ ҳудудидан ўтувчи «Чортоқ-Заркент» автомбиль йўлининг бир чақиримча узунликдаги қисми таъмирталаблигини, устига устак, кескин бурилишга эгалиги ҳамда пиёдалар йўлаги торлиги боис кўнгилсиз ҳодисалар рўй бераётганини баён этганди. Биз ушбу масалани атрофлича кўриб чиқиш ҳамда зарур чора-тадбирлар белгилаш учун Наманган вилояти ҳокимлигига юборгандик. Яқинда қуйидаги расмий жавобни олдик.

«Шикоят хати Чортоқ тумани ҳокимлиги билан биргаликда ўрганиб чиқилди. Таъмирлаш сўралган «Чортоқ-Қалишоҳ-Пешқўрғон-Балиққўл-Ҳазратишоҳ-Заркент» йўлининг 5-6 километридаги хавфли бурилиш, ҳақиқатан ҳам, туб аҳолининг ўринли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шунга кўра, Чортоқ автомобиль йўллари бўлими томонидан йўлни кенгайтириш ва пиёдалар йўлакларининг таъмирланмаган жойларини тузатиш бўйича тадбирлар режаси тузилди. Ҳозир йўлнинг пиёдалар қатнайдиган қисмини таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги аризачининг талаби тўла бажарилишини ва унинг назоратини Чортоқ тумани ҳокимлигига топширди.

А. ФОЗИЛОВ,
Наманган вилояти ҳокими ўринбосари».

D·AMPS GSM UZDUNROBITA first cellular

АНДИЖОН ВА АСАКА ШАҲАРЛАРИДА ЭНГ ЯНГИ GSM ТАРМОҒИНИ ТЕКШИРИШ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ!



"UZDUNROBITA" -БУТУН ЖАҲОН СИФАТ ҚЎМИТАСИ МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ ФРАНЦИЯ, ПАРИЖ 2003

Plus ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ 1 ИЮЛГАЧА БЕПУЛ!

ХАЛҚАРО ҚЎНҒИРОҚЛАР ҚИЙМАТИ БАРЧА ХИЗМАТ РЕЖАЛАРИ УЧУН 29% ГАЧА КАМАЙТИРИЛАДИ

ЙЎНАЛИШ	ЭДИ	БЎЛДИ
МАРКАЗИЙ ОСИЁ (ҚОЗОҒИСТОН, ТОЖИКИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН, ТУРКМАНИСТОН)	~~$ 0.71~~	$ 0.56
МДҲ БОШҚА МАМЛАКАТЛАРИ	~~$ 1.10~~	$ 0.60
ЕВРОПА	~~$ 2.63~~	$ 1.64
АМЕРИКА, АФРИКА	~~$ 2.66~~	$ 1.88
ОСИЁ	~~$ 2.82~~	$ 2.48
АВСТРАЛИЯ	~~$ 3.41~~	$ 2.72

Нархлар АҚШ $ кўрсатилган ва барча солиқлар киритилган. Тўлов сўмларда ЎзР МБнинг курси бўйича тўлов кунида амалга оширилади.

WWW.UZDUNROBITA.UZ

NEW! ХАЛҚАРО SMS ТАРМОҚЛАР МУШТАРИЙЛАРИ БИЛАН

MTC (Россия) МегаФон (Россия) Kcell (Қозоғистон) orange (Швейцария) TELSIM (Туркия)

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН

МОЛХОНАДА КЎМИЛГАН «TICO»

Инсон икки ҳолатда ёлғизланиб қолади. Бири атрофдагилардан меҳр кўрмаса, иккинчиси қабиҳлик балчиғига булғанганда. Нега шундай? Оқил инсон ўз касбини севиб ишласаю, аммо дашномдан боши чиқмаса ҳамма нарсадан кўнгли совийди, қўлини қўлтиққа уриб, умидсизланади. Шуҳрат Раҳимов тетапоялигидан ота-она назоратидан четда қолди. Уззукун қишлоқма қишлоқ санғиб юрганида ҳам биров суриштирмади. Тегканга тегиб, тегмаганга кесак отиб юраверди ва бундан ҳузурланди. Оқибатда ёвузлик юрагида ниш отди. Оқ тўнли қишлоғида унинг дастидан дод демаган қолмади. Айрим кунлари винога бўкиб келиб, онасини ҳақоратлайдиган бўлди. Отаси рўзғор ташвиши билан бўлиб кўпинча уйда бўлмасди. Бу эса Шуҳратни баттар қутуртирди. Шўрлик она ота билан боланинг ўртасида нифоқ бўлмасин, деб ўғлининг кирдикорларини яшириб келарди. Яра эса баттар газакланарди. Шуҳрат 18 ёшида Тошкент шаҳрида ўғирлик содир этиб қўлга тушди. Аммо у бундан тўғри ҳулоса чиқармади. Аксинча, иш тутди. 19 ёшида иккинчи бор судланди. Амнистия туфайли озодликка чиққандан сўнг бирор фойдали касбнинг этагидан тутмай кўчама-кўча санқишда давом этди. Оқибатда укаси Сарварни ҳам жиноят кўчасига етаклади.

Улар хуфтон олди Чироқчи шаҳридан йўловчи машинада йўлга чиқишди. Муқаддам Шуҳрат укасига бирон машинани қўлга киритиш ниятида юрганлигини айтганди. Сарвар акасининг режасига қарши чиқмади. «Тико» машинаси кафтдек текис йўлда ғизиллаб илдамларди. Икковидан бошқа йўловчи учрамаганлиги уларга қўл келди. Машина «Чиял» жамоа хўжалиги ҳудудига кириб келганда йўловчилар бетоқатлана бошлади. Шуҳрат ҳайдовчига тўхташ ишорасини қилди. Машина секинлашиши билан Сарвар ҳайдовчининг қўлига ёпишди. Бақирмоқчи бўлганда ўриндиқдаги сочиқни ола солиб оғзига тиқди. Ака эса бунга жавобан ёнида олиб юрган металл болға билан ҳайдовчини ура кетди. Аёвсиз зарбалардан сўнг ҳайдовчи жон берди. Ака-ука марҳумнинг чўнтакларини ковлаб 3700 сўм пул топишди. Кейин жасадни Аннарўз қишлоғи биқинидаги далага кўмиб ташлашди.

Аввалига икки қотил машинани молхонадаги бостирма тагига кўмиб, яширади. Сўнг туни билан «Тико»ни қисмларга бўлаклаб чиқишади. Эртаси куни ажратилган қисмларни бозорга олиб келиб арзонгаровга сотишади. Машина двигатели ва узатмалар коробкасини эса тоғаси Т. Халилов билан Наманганга олиб бориб, пуллайди. Машина кузовини сотишнинг уддасидан чиқмай, ҳовлиларига «тириклай» кўмиб ташлашади. Улар машина ўғирлиги жиноятини ана шундай хотималашади.

«Тико» русумли 18 Е 4415 давлат белгили автомашина Чироқчи туманидаги Ҳардури қишлоғида яшовчи аёлга тегишли бўлиб, эри Самандар Ҳасанов ишонч қоғози орқали бошқариб юрганди. Баъзида киракашлик билан шуғулланиб, уйдан эрта чиқиб, кеч қайтарди. Шу боисдан унинг алламаҳалгача юришига уйдагилар кўникиб қолишганди. Воқеа содир этилган куннинг тўртинчи куни Самандар қайтавермаганидан шубҳаланиб, уйидагилар туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилишади. Дарҳол республика миқёсида қидирув эълон қилинади. Изқуварлар ҳар бир ҳолатни кўздан кечира бошладилар. Игна билан қудуқ қазишдек кечган машаққатли онлар самара берди. Тўртинчи ой деганда ака-ука қотиллар қўлга олинди. Улар дастлабки суриштирув жараёнида ўзларини қўй оғзидан чўп олмаган қилиб кўрсатишди. Аммо далиллар уларнинг кирдикорларини фош этавергач, «ёрилишди». Ушбу жиноятнинг тафсилотлари ҳуқуқ-тартибот идоралари мутахассислари томонидан қуйидагича шарҳланди.

Чироқчи тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковниги Абдураим Ибодов: «Жиноятнинг илдизини топиш ниҳоятда оғир кечди. Бедарак йўқолган Самандар Ҳасанов мижоз топиб, узоқ шаҳарга кетиб қолиши мумкинлиги ҳақидаги гумоншубҳалар бизларни безовта этарди. Калаванинг учини топганимизда жиноят ипи муқаддам судланган Шуҳрат Раҳимовга боғланаверди. Ҳақиқатан, бу оиладаги муҳит ёмон аҳволда. Ота-она ва фарзандлар ўртасида доимий келишмовчиликлар бўлиб туради. Ота-онанинг фарзандлари билан, фарзандларнинг ота-оналари билан иши йўқ. Натижада икки қутб пайдо бўлган. Шуҳрат мактабни саккизинчи синфида ташлаб кетган. Ўзининг ёмон хулқи билан ном чиқазган.

Туман прокуратураси тергов чиси Бўри Мўминов: «Қуш уясида кўрганини қилади. Тергов жараёнида «Шуҳратнинг отаси доимо турли юмушлар билан уйда бўлмаслигини, хотини ўғлининг безори ва ахлоқсизлигини яшириб келганлигини, бундан қаттиқ пушаймонлигини билдирди. Онаси ҳам ўз фарзанди уни ҳатто уриб-сўкишини, кечалари уйдан чиқиб, дайдиб юришлигини, кейинги пайтларда укасини ҳам эргаштирадиган бўлганлигини яшириб ўтирмади. Ота-она фарзандларининг кирдикорларини бир-биридан яшириб юриши оқибатида ўртада катта жарлик пайдо бўлган. Тергов жараёнида Шуҳратнинг бир неча марта чорва моллари ўғирлаганлиги жиноятини ҳам очилди. Ҳатто бир марта ўғирлик жиноятига укасини жалб этган экан».

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди судьяси Ҳомид Бобоқулов: Шуҳратнинг худобезори эканлигини қишлоқ оқсоқоллари ва қайвонилари наҳотки назардан четда қолдирган бўлса. Ҳеч бўлмаганда ота-онасини ҳушёрликка чақириши керак эди. Кўза сингандан кейин оҳу фарёдга ўрин қолмайди».

Ўринли мулоҳазалар. Суд ҳукми билан Шуҳрат Раҳимов олий жазо – ўлимга, Сарвар Раҳимов узоқ муддатли жазога ҳукм этилди. Бир оиладаги машмашаларга шу ерда нуқта қўйилди. Бу машъум воқеа «кўр» кўзларнинг очилишига туртки бўлишига умид қиламиз.

Ўроз ҲАЙДАРОВ.
Қашқадарё вилояти,
журналист.

Дил изҳори

Миннатдорлик

Мен тадбиркорман. Аввалари қурилишда ишлаганман. Турли касалликларга чалиниб, бир қанча шифохоналарда даволандим. Нафини сезмадим. Бу орада Самарқанд шаҳридаги хусусий шифохона ҳақида, бу ердаги даволаш усулларининг самарали экани тўғрисида эшитиб қолдим. Мазкур шифохона Каттақўрғон шаҳридаги Қозоқовул қўрғонида жойлашган экан. Тиббий марказ бош шифокори Бердиқул Эргашев дарду ҳасратимни диққат билан текшириб кўрди, эшитди. Кейин муолажаани бошлади. Бу ерда очлик усулида даволашар экан. Фойдасини тез орада ҳис этиб, қисқа вақт ичида кўпгина дардлардан фориғ бўлдим. Шифохонада беморларнинг даволаниши учун деярли ҳамма шароит яратилган. Айниқса, ҳамшираларнинг хушмуомаласи беморлар учун ярим даво бўлаяпти. Шифохонада ишлаётган дўхтирлар, ҳамширалар — меҳри дарё, қалби тоза бундай инсонлар ҳамиша омон бўлишсин. Сира дард кўришмасин.

Рўзмат ЮСМЕТОВ
Тошкент вилояти,
Бўстонлиқ тумани,
Нанай қишлоғи.

ЮРТИМИЗ ҒАЛЛАКОРЛАРИ, ДЕҲҚОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»

жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб 31 июлига қадар бўлган давр мобайнида 1 йил муддатга очилиб, ойлик 4,5 фоиз даромад тўланадиган

«ҲОСИЛ» жамғарма омонатини таклиф этади.

Ушбу омонатга маблағингизни «Пахта банк»нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин.

Хирмонингиз баракали бўлсин, азиз юртдошлар!

«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

ИШГА КИРИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

«ИККИЛАМЧИ ҚОРА МЕТАЛЛАР» БОШҚАРМАСИГА тегишли республикамиз вилоятларида жойлашган корхоналарга газ-электро пайвандчи мутахассислигига эга бўлган

ГАЗ БИЛАН КЕСУВЧИ ИШЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўртача ойлик маош — 100.000 сўм ва ундан ортиқ.
Ишга кирмоқчи бўлганлар республика вилоятларида жойлашган «Иккиламчи қора металлар» (Вторчермет) корхоналар бошлиқларига учрашишларини сўраймиз.

МАНЗИЛЛАРИМИЗ:

«Самарқанд Иккиқорамет», Самарқанд шаҳрида телефонлар: 8-366-2-229009, 229402, уяли тел.: 382038, 1899709.
«Андижон Иккиқорамет», Андижон шаҳрида телефонлар: 8-374-2-243917, 246801, 463256, уяли тел.: 374-2-292542, 240693.
«Бухоро Иккиқорамет» Бухоро шаҳрида телефонлар: 8-365-2256009, 55658, уяли тел.: 365-7181260.
«Қарши Иккиқорамет», Қарши шаҳрида телефонлар: 8-375-22-22250, 24549, уяли тел.: 23295.
«Жиззах Иккиқорамет», Жиззах шаҳрида телефонлар: 8-372-22-70135, 42802, уяли тел.: 1899729, 1087705, 1825982.
«Наманган Иккиқорамет», Наманган шаҳрида телефонлар: 8-369-22-63913, 36680.
«Навоий Иккиқорамет», Навоий шаҳрида телефонлар: 8-436-22-30141, 47181, уяли тел.: 25279, 2225415.
«Қўқон Иккиқорамет», Қўқон шаҳрида телефонлар: 8-373-55-23289, уяли тел.: 70057.
«Сурхондарё Иккиқорамет», Термиз шаҳрида телефонлар: 8-376-22-24138, 24139, уяли те.: 29261.
«Чустмиртерсак», телефонлар: 8-4231955, 35803.
«Ховос Иккиқорамет», Ховос шаҳрида телефонлар: 8-367-22 уяли тел.: 41339, 367-37-25147.
«Қорақалпоқ Иккиқорамет», Нукус шаҳрида телефон: 8-361-21-53525.

Тошкент шаҳридаги манзилимиз: Сирғали тумани, Саноат даҳаси. Телефонлар: 8-3712-587594, 585709.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

«ЎзДЭУавто» компанияси «Асака» банки билан биргаликда автомобилларни КРЕДИТГА 2003 йил 1 августгача сотишни давом эттирмоқда.

Дастлабки бадал автомобиль қийматининг 60%ни ташкил этади, қолган 40% эса йиллик 20% ҳисобига олинган ҳолда 2 йил давомида тўланади.

Кредит таъминоти учун гаровга қўйилган автомобилларни «ЎЗАГРОСУҒУРТА» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ турли қалтисликлардан қулай тариф ставкаларида суғурта қилади.

Маълумот учун телефонлар: 133-34-78, 133-28-06, факс 133-26-23.

Автомобиллар сизларни расмий дилерларнинг салонларида кутмоқда.

Шошилинг! Автомобилларни кредитга сотиш 1 августга қадар расмийлаштирилади.

«Ўзбеккино» компанияси, Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси жамоалари Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори Маматқул Ҳазратқуловга акаси
Абдулла ҲАЗРАТҚУЛОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби Самарқанд вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи Илҳомжон Нурмуродовга падари бузруквори
Эргаш НУРМУРОДОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзгеонефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва кўп минг сонли меҳнат жамоаси компания бош ҳисобчиси Исматулло Умаровга волидаи муҳтарамаси
ШАРОФАТ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоаси университетнинг «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси доценти Мавлуда Саидовага укаси
Мажид САИДОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректорати «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси мудири Равшан Жомоновга отаси
Ориф ота ЖОМОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректорати «Маданий-маърифий ишлар» кафедраси ўқитувчиси Рисолат Рустамовага онаси
ПАРДАХОЛ аянинг
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Навоий вилояти ҳокимлиги вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдураҳмон Носировга отаси
МАНСУР бобонинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Г. ПРОХОРЕНКО,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. ЎТБОСАРОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
А. ҲАЙДАРОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 518, 29520 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ.
Навбатчи — М. ЖОНИХОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.15.
1 2 3 4 5 6